**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

| | |
|---|---|
| **"КЕЛИШИЛДИ"**<br>**Ўзбекистон Республикаси**<br>**Олий ва ўрта махсус таълим**<br>**вазирлиги**<br>________________<br>**«___» _________ 2020 йил** | **"ТАСДИҚЛАЙМАН"**<br>**Ўзбекистон Миллий университети**<br>**ректори А.Марахимов**<br>________________<br>**"___" _________ 2020 й.** |

**5120500 - Фалсафа таълим йўналиши негизидаги:**

– 5А 120501 - Фалсафа (соҳалар бўйича)

**магистратура мутахассислигига кирувчилар учун махсус (ихтисослик) фанларидан**

# ДАСТУР

**Тошкент – 2020**

## Аннотация

Дастур 5А120500-Фалсафа (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5120500 - Фалсафа таълим йўналишининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

**ТУЗУВЧИЛАР:**

**Н.А.Шермухамедова -** ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети "Фалсафа ва маънавият асослари" кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Ш.О.Мадаева -** ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети "Фалсафа ва мантиқ" кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Л.А. Мухаммаджонова -** ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети "Этика ва эстетика" кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, профессор

Дастур Ижтимоий фанлар факультетининг 2020 йил 23 июндаги № 10 сонли Кенгаши йиғилишида мухокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

## Кириш

5А120500 Фалсафа сохалар бўйича магистратура мутахассислиги бўйича магистратурага кириш синови учун мўлжалланган дастурда Фалсафа бакалавр таълим йўналиши ўқув режасида ўқитилган фанлар мазмунига асосланади. Дастурда фалсафанинг ривожланиш тарихи, борлиқнинг ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиш қонун ва категориялари, онтологик, субстанционал, муносабатдош категорияларнинг ўзига хос хусусиятлари, табиат ва инсон борлиғи, фан тараққиётининг асосий босқичлари, метод, методология методика тушунчалари, асосий эвристик тамойиллар, глобал муаммолар ва глобаллик мезонлари, прогнозлаштириш масалалари, тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро мутаносиблиги, ҳақиқат ва амалиёт бирилиги, билим турлари ва шакллари, ахборот маълумот билим тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи, ахборот технологиялари ва ахборотлашган жамият назарияси, тарих фалсафаси, ахлоқ назарияси ва оламни эстетик идрок этиш, каби масалалар қамраб олинган.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси - талабаларнинг борлик тушунчасининг маъноси соф борлик ғояси, борлик ва йўқлик диалектикаси, фалсафа тарихида борликка муносабат, энергия ва энергетизм, информацион энергетик ахборот алмашинуви, табиат борлиғи, инсон борлиғи, маънавий борлик виртуал борлик, қонун ва категорияларни, муносабатдош категорияларнинг таснифи, билиш, даражалари ва турлари, хақиқатнинг когерент прагматик ва корреспондент, концепцияларини, илмий инкилобларнинг асосий даврларини, дунёнинг илмий манзарасини ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5120500 - Фалсафа таълим йўналиши негизидаги 5А120500 Фалсафа (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан умумкасбий ва ихтисослик фанлари “Фалсафани ўқитиш методикаси”, “Онтология ва гносеология”, “Фалсафа тарихи” “Марказий осиё халқлари фалсафаси”, “Ижтимоий фалсафа”, “Маънавият фалсафаси”, “Динлар фалсафаси”, “Фан фалсафаси ва методологияси”, “Фалсафани щыитиш методикаси”, “Мантиқ тарихи ва назарияси”, “Аҳлоқ фалсафаси. Нафосат фалсафаси”, “Жамият ахборотлашувининг фалсафий асослари”, “Табиатшуносликнинг фалсафий концепциялари”, “Техника ва технологиялар фалсафаси”, “Сиёсат фалсафаси. Ҳуқуқ фалсафаси”, “Риторика” фанларидан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

**ФАЛСАФАНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ фани бўйича**

Ўқитишнинг шакли, услуби ва методи тушунчалари. Фалсафани ўқитишнинг бошқа фанларни ўқитишдан фарқи ва умумийлиги. Фалсафани ўқитишдаги толерантлик ва унга ижодий ёндашув.

Ўқитиш профессиональ фаолият сифатида. Профессионал фаолиятнинг экзистенциал мазмуни. Ўқитиш таълим бериш воситаси. Ўқитишнинг объектив мақсади - ўқитиладиган фан орқали муайян билим эгаллаш ва улардан фойдаланиш малакаларини шакллантириш. Ўқитувчининг ютуқга интилиши ўқитиш жараёнининг ютуғи. Ютуқнинг экзистенциал маъноси. Ўқитишнинг идеаллашган модели ва ўқитиш муаммолари.Ўқитиш жараёнида талабаларда илмий ва ижобий қизиқишларни яратишнинг аҳамияти. Талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида фалсафий билимнинг аҳамияти. Фалсафани ўқитишдаги камчиликларни анъанавий методлар билан аниқлашнинг зарурати. Фалсафани ўқитишнинг мақсад, вазифалари ва кутилажак натижаларни инновацион методлар ёрдамида аниқлашнинг аҳамияти. Фалсафни ўқитишнинг классик шакллари. Пифагор мактабида ўқитиш технологияси. Мантиқий аргументлашнинг классик мактаб шаклланишидаги ўрни.Таълим ва тарбиядаги муқобил моделлар. Платон мактаби. Янги даврдаги таълим тизими инновациялари. Фалсафани ўқитишда ноклассик мактабнинг ёндашувлари. Ўзбекистон таълим муассасаларида фалсафани ўқитишнинг зарурияти ва аҳамияти. Олий таълим тизимида фалсафани ўқитишнинг асосий шакллари. Нофалсафий мутахассис талабаларда фалсафага курсига нисбатан салбий муносабатнинг шаклланиш сабаблари. фалсафа мажбурий, лекин номутахассис фан сифатида талабаларда у ҳақда аниқв тасаввурнинг йўқлиги. Талабалар фикрича кераксиз номутахассис фанига мажбурий иштирок этиш тартиботи. фалсафанинг мажбурий фан сифатидаги имиджи. Фалсафада ҳаёт ҳақиқатини ўрганишга умид. фалсафада эзотерик ва диний билимлар уйғунлигига ижодий муносабатнинг шаклланиши. Негативизмни бартараф этиш, фалсафанинг зарурий фан эканлигига ишонтириш, ва талабалар билан мулоқотга киришишнинг афзалликлари. Олий таълим муассасаси ихтисослигини ҳисобга олишнинг зарурати. Фалсафани сохталаштиришнинг салбий оқибатлари. Фалсафани зарурий фан сифатида ўқитишнинг зарурлигини исботлашга уринишнинг салбий натижалари. Фалсафанинг ихтисослик билан боғлашнинг фанга қизиқишни ортишдаги аҳамияти. Метафалсафа. (фалсафанинг жамият,дин ижтимоий ҳаёт индивид ҳаётидаги дунёқарашга доир вазифасининг тўлиқ талқини). Мавҳум ва амалий фалсафа (борлиқ ҳақидаги таълимот, онг ва онгсизликнинг талқини, натурфалсафава х.к фалсафий муаммоларни тўғри тушунтириш орқали қизиқтиришнинг аҳамияти). Билиш назарияси ва аксиоантропология ( Кантнинг инсоннинг билиш имкониятлари ҳақидаги таълимоти инсоннинг дунёдаги қадри ва инсон қадриятлар дунёсида). Жамият фалсафаси ва унинг тарихи. (Инсоният ва жамият шахс ва жамият, асосий ижтимоий муносабатлар динамикаси).

Мавзуларни ёритишда ихтисосликни ҳисобга олишнинг аҳамияти (масалан: физиклар учун натурфалсафанинг алоқадорлиги нуқтаи назардан, тарих фалсафасини зарурати нуқтаи назардан ўқитишни тушунтиришнинг аҳамияти). Фалсафани ўқитишнинг зерикарли бўлмаслигида ўқитувчининг маҳорати ва билими уйғунлигини таъминлашнинг аҳамияти. Фалсафага қизиқишнинг ижод билан боғлиқлиги Талабаларда фалсафани ўрганишга қизиқишнинг уйғонишида ўқитиш методини тўғри танлашнинг аҳамияти.

Ўқитишнинг пассив, фаол ва интерфаол шаклларининг мазмуни, уларнинг фарқли хусусиятлари. Маъруза ва семинар машғулотларини ўқитишнинг анаънавий шакли - ижобий ва салбий жиҳатлар. Анъанавий маъруза шаклида ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа. Фаол шаклдаги ўқитишда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги қарши алоқа. Интерфаол шаклдаги ўқитишда ўқитувчи талаба ва талаба амалиёти ўртасидаги ўзаро таъсир.

Семинар машғулоти - гуманитар фанларни, хусусан фалсафани ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос шакли. Семинар фалсафий билимни ўзлаштириш воситаси. ***Идеал*** ( фан бўйича ўз тушунчаларини ифодалаш) ***семинар***. Идеал семинарнинг ўзига хос хусусиятлари-эркинлик, муаммолилик, музокаралилик. Идеал семинарни ташкил қилишда ўқитувчининг маҳорати. Идеал семинар машғулотини ўтказишдаги қийинчиликлар. Қийинчиликларни бартараф қилиш йўллари: мавзуга оид мақола, монография боблари ёки параграфлариниг муҳокамаси.

***Семинар машғулотининг тузилиши:*** ўқитувчининг кириш сўзи, талабаларнинг фикрларини мантиқий изчил ифодаси, ўқитувчининг якунловчи фикри. Якунловчи фикрдан хулосаларнинг исботланиши. Ҳар бир хулосанинг информатив билим сифатида қайтаришнинг аҳамияти. Савол бериш санъати. Нотўғри саволларнинг семинар машғулотини ўтказишга салбий таъсири. Тўғри саволларнинг аудиторияни бошқарувчилик роли. Қўшимча ва тушунтирувчи саволларнинг аудитория талабаларини фаоллаштиришга таъсири. Баҳсга йўналтирилган саволларнинг аҳамияти.

Танқидий тафаккурнинг ривожланиши, фалсафий мушоҳадани шакллантирувчи омил. Танқидий тафаккур тушунчаси ва унинг фалсафадаги аҳамияти. Танқидий тафаккур асослари. Танқидий тафаккур босқичлари (чақирув босқичи, асослаш босқичи, рефлексия босқичи (мушоҳада) қарор қабул қилиш фазаси). Танқидий тафаккурнинг характерли белгилари. Танқидий тафаккур малакаларининг ривожланишида ўқув муҳитининг аҳамияти. Танқидий тафаккурнинг мустақил фикрловчи талаба шахсини тарбиялаш ва ўқитишдаги аҳамияти.

## ОНТОЛОГИЯ ВА ГНОСЕОЛОГИЯ фани бўйича

Фалсафа тушунчасининг келиб чиқиши. Фалсафа шаклланишининг асосий босқичлари. Дунёқарашнинг тузилиши: дунёни сезиш, дунёни идрок этиш, дунёни тушуниш. Дунёқарашда шахснинг роли. Дунёқарашнинг тарихий шакллари. Миф дастлабки дунёқараш сифатида. Диний дунёқараш. Диннинг асосий функциялари. Диннинг психологик, гносеологик, ижтимоий ва сиёсий илдизлари. Динга нисбатан социологик ёндошув. Диний

эътиқоднинг тарихий шакллари (фетешизим, анимизм, тотемизм, магия). Фалсафа дунёқараш шакли сифатида. Фалсафанинг предмети ва унинг ўзгарувчан характери. Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафанинг янги соҳалари. Фалсафанинг асосий масалалари.

Борлиқ масаласида фалсафа ва фан синтези. Борлиқ тушунчасининг этимологияси. Борлиқ ва йуқлик диалектикаси. Борлиқ шакллари. Субстанция ва субстрат тушунчаси. Фалсафа тарихида субстанцияга монистик, дуалистик, плюралистик ёндашувлар. Монизмнинг шакллари. Материя шаклларининг турли туманлиги. Материянинг ташкил топиш даражалари. Геоцентрик ва ногеоцентрик моддий тизимлар. Экстенсив ва интенсив чексизлик. Чеклилик ва чексизликнинг зиддияти.

Ижтимоий макон ва ижтимоий вақт. Макон ва вақтга субстанционал ва реляцион ёндошувлар. Макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари. Эйнштейннинг умумий ва хусусий нисбийлик назарияси. Маконнинг уч ўлчовлиги ва кўп ўлчовлиги. Ижтимоий макон. Ижтимоий вақт. Макон ва вақтнинг ҳаракатдаги материяга боғлиқлиги. Макон ва вақтнинг умумий хоссалари: объективлик, абадийлик, чексизлик ва ички зиддиятлилик. Макон – вақт континуумининг тўрт ўлчовлилиги. Макон ва вақтнинг метрик ва типологик хоссалари. Макон ва вақтнинг изотроплиги ва бир хиллилиги. Ҳаракат тушунчаси, унинг типлари ва шакллари. Ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг ўзаро нисбати. Объектларнинг барқарорлиги ва беқарорлиги диалектикаси. Нарсанинг сифатини сақлаш билан боғлик ҳаракат, нарса сифатини ўзгартирувчи ҳаракат.

Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги. XX аср воқелиги: Экологик танглик. Географик муҳит тушунчаси. Географик муҳит параметрлари. Ижтимоий ривожланиш ва географик муҳит. Географик мактаблар: географик детерминизм, ижтимоий детерминизм. Географик концепциялар. Геосиёсат. Экологик муаммонинг фалсафий маъноси. Биосфера. Ноосфера – инсоният геологик куч сифатида. Янги борлиқнинг шаклланиши. Инсон ва ноосфера. Коэволюция.

Инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятлари**.** Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат. Жон ҳақидаги фалсафа. Индивидуаллик борлиғи. Онгнинг табиати. Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Онг бош мия функцияси сифатида. Онг фалсафий муаммо сифатида. Онгнинг фалсафий концепцияси. Онгнинг тузилиши ва функциялари. Тил ва онг. Ўзликни англаш**.**

Ривожланиш ва ўзгариш тушунчаси. Тараққиёт тушунчаси. Тараққиётнинг турлари. Қоунун тушунчаси ва унинг турлари. Миқдор ўзгаришлари ва сифат ўзгаришлари диалектикаси. Сифат, миқдор, меъёр, хосса, сакраш, сакрашнинг турлари. Инкорни-инкор. Инкорни инкорда ворисийлик. Категория тушунчаси. Фан категориялари.Фалсафа категориялари: онтологик, субстанционал, муносабатдош категориялар. Алоқаларнинг таснифи. Алоқа учун асос. Система, элемент, структура. Системаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Айримлик, яккалик, хусусийлик, умумийлик. Бутун ва қисм. Яхлитлик антиномиялари. Яхлитлик типлари.

Мазмун ва шакл. Сабаб ва оқибат. Зарурият ва тасодиф диалектикаси. Имконият ва воқелик. Моҳият ва ҳодиса.

Билиш назариясининг предмети. Рационализм. Эмпиризм. Перцепция вааперцепция. Гносеологиянингмазмунивамоҳияти. Оптимизм, скептицизм, агностицизм. Билишфаолияттурисифатида. Билишдагиқарама-қаршиликлар.

Ҳиссий даражадаги билимнинг шакллари: сезги ва идрок. Хотира, хаёл ва тасаввур. Эмпирик билим ва унинг шакллари: кузатиш, эксперимент, илмий далиллар. Фикрнинг ҳиссийликдан рационалликка ҳаракати. Назарий билим ва унинг шакллари: илмий муаммо, муаммо ва масала. Муаммоли вазиятнинг билиш жараёнидаги роли, гипотеза, тамойиллар, категориялар, парадигмалар. Тафаккур ва унинг моҳияти. Билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини фарқлаш мезонлари.Интуиция ва ижод. Фалсафа тарихида интуицияга муносабат. Интуициянинг билишдаги роли.

Фалсафа тарихида ҳақиқатга муносабат. Ҳақиқатнинг фалсафий асослари. Ҳақиқатнинг корреспондент, когерент ва назарий концепцияси. Исботлаш ва рад этиш. Амалиёт ҳақиқат мезони. Ҳақиқатнингзиддиятли характери. Ҳақиқатни баҳолаш мезонлари. Амалиёт тушунчаси. Амалиёт фалсафаси. Амалиёт мақсади.

Метод ва методология тушунчаси. Метод ва методика. Методларнниг таснифи. Фан методлари, фалсафа методлари, умумилмий методлоар, хухуасий илмий методлар, умуммантиқий методлар. Ижтимоий гуманитар фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стадис, абдукция. Эвристика янги методологик тамойил. Эвристика янги методологик тамойил. Муаммо ва синергетика ўз ўзини ташкил этиш стихияли структурагенез, чизиқлик, очиқ тизим сифатида. Изоморфизм тамойили. Асосий эвристик моделлар. Синергетика ва эвристика. Илмий изланишнинг асосий йўналишлари.

Диалектика, метафизика, софистика, эклектика – фалсафий метод сифатида. Анализ, синтез, гипотетик-дедуктив метод, аналогия – умумилмий методлар. Илмий назарияларни профилерация қилиш тамойили.

Фалсафанинг илмий билиш мезони. Табиий илмий, фалсафий ва диний таълимотларнинг борлиқни билиш тизимидаги  мазмуни. Билиштизимида эпистемологик, онтологик, эстетик, эсхотологик, психологик жиҳатларнинг ўзаро алоқадорлиги. Постноклассик фанда табиий, илмий ва диний билимларнинг уйғунлиги масаласи.

Ахборот, маълумот билим тушунчалари. Илмий ва ижтимоий ахборот тушунчаси. Ижтимоий ахборот ижтимоий – коммуникатив жараённинг асосий омили. Илмий ахборот янги билим қабул қилиш шакли. Маънавий билиш фаолиятида билимнинг информативлиги хусусиятлари. Фанлар интеграциясининг илмий билиш информатив даражаси ўсишидаги роли. Илмий ахборот интеграциясининг хусусиятлари.Нанотехнологиялар. Ахборот технологиялари ва ахборотлашган жамият назарияси.

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро нисбати. Фалсафа тарихида тушуниш масаласи. Маънони тушунишнинг аҳамияти. Герменевтик доиранинг моҳияти. Тушунишда символнинг ўрни. Диалог тушуниш

воситаси. Семиотика тушуниш воситаси. Мазмунни тушуниш ва интерпретация. Тушунтиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Жамият тараққиётининг асосий соҳалари. Цививлизацияларнинг таснифи. Маданият тузунчаси, тузилиши ва функциялари. Тарих фалсафасининг предмети, Тарих фалсафасига оид қарашлар эволюцияси. Тарих фалсафасининг тузилиши: тарих фалсафаси онтологияси, тарих фалсафаси гносеологияси, тарих фалсафаси тарихи. Онтологик ва аксиологик концепциялар. Заруририят ва эркинлик диалектикаси. Тарихда шахснинг роли.

Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотлар. Инсоннинг кўп ўлчовлиги. Шарқ фалсафасида инсон муаммоси. Инсон масаласида Ғарб анъанаси. Ҳаётнинг мазмуни ва унда инсоннинг вазифаси. Ҳаётда инсоннинг вазифаси ва унинг моҳияти. Инсонни фалсафий нуқтаи назардан ўрганишнинг зарурати.

Қадрият тушунчаси ва унинг умумий тавсифи. Қадриятларнинг табиати ва моҳиятини тушунишга нисбатан ёндошувлар: натуралистик психологизм, персоналистик оптимизм, аксиологик трансцендентализм, маданий тарихий релятивизм, қадриятларнинг социологик концепцияси. Қадриятлар ва баҳолар. Қадриятларнинг таснифи. Қадрлоаниш ва қадрсизланиш. Баҳолашнинг моҳияти. Баҳолаш структураси. Баҳолаш предмети. Баҳолаш субъекти. Жамият ва инсон ҳаётида қадриятларнинг роли.

Фаолият тушунчаси. Фаолиятнинг социологик жиҳатлари. Психологияда фаолиятга муносабат. Фаолиятнинг тузилиши: эҳтиёжлар, мотивлар, мақсадлар, воситалар. Фаолият атрибутлари: моддийлик ва субъектлилик. Ўйин моделининг шартлилиги ва реаллиги. Ўйиннинг маъноси. Ижод. Ижод натижаларининг янгилиги. Ижодий ва ноижодий фаолият.

Ижтимоий башорат: турлари, типлари, методлари. Башоратнинг турлари: кундалик башорат, илмий башорат, мифологик башорат, ижтимоий башорат қилиш, интуитив башорат. Келажакни прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Глобаллашув – янги фалсафий мавзу. Глобаллашув ходисаси. Глобалистика. Глобал жараёнларнинг куртаклари. Фундаментал глобаллашув. Глобал муаммоларнинг моҳияти. Муаммоларнинг турли даражалари: хусусий, миллий, маҳаллий, минтақавий муаммолар. Глобаллик мезонлари. Глобал муаммоларни ҳал қилишда хусусий ва умумий манфаатлар. Ахборот инқилоби. Сунъий интеллект. Нанотехнологяилар ривожи.

Фанни ўзига хос ижтимоий ҳодиса ва институт сифатида. Фанни формал ижтимоий институт сифатида содда ва аниқ тушуниш.

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар. Илмий билишни ўрганиш тарихида натурфалсафа. Фан ва илмий билиш тушунчаларининг турли таърифлари. Илмий билимларни тушуниш. билим илмийлигининг асосий мезонлари. Фаннинг ички ва ташқи эгоси: илмий тадқиқотларнинг ахлоқий жиҳатлари ва олимнинг илмий кашфиётларга масъулияти. Илм тараққиётида олим ва

кашфиётчилар этикасининг фан тизимига таъсири. Фанда ахлоқий меъёрлар зарурати. Фанни инсонпарварлаштиришнинг анъанавий ва ноанъанавий масалалари. Ҳозирги давр фанидаги асосий ахлоқий муаммолар ва уларни хал қилишнинг устувор йўналишлари.

Қадимги дунёда ва ўрта асрларда илмий билимларнинг пайдо бўлиши. Тажриба асосида шаклланган тафаккур фаолияти. Антик даврнинг натурфалсафасида атомистика ва элементаризм ғоялари. Ўрта асрларда илмий билиш тараққиёти. Фан тараққиётига экстерналистик ва интерналистик ёндашув. Синергетика - фаннинг методологик тамойили сифатида. Бифуркация, флуктуация, диссипативтизим, ғалатиаттрактор.Синергетиканинг асосий йўналишлари. Квант механикаси. Термодинамика қонунлари.

Илмий билиш динамикаси. Кумулятивизм ва антикумулятивизм. Илмий билиш динамикасига нисбатан иккита зиддиятли ёндашув. Фаннинг инсонпарварлашуви муаммоси.

Фалсафий билимлар ривожини илмий дунёқарашни шаклланишидаги ўрни. Фалсафа ва фан мутаносиблиги. Фалсафада ижтимоий масъулият. Фандаги рационаллик муаммоси.

Дунёнинг илмий манзарасига асосий ёндашувлар. Дунёнинг мумтоз, номумтоз, постномумтоз манзарасининг ретроспектив ҳаракати. 21-аср дунёнинг постномумтоз манзараси да холономликнинг намоён бўлиши. Рационалликтушунчаси ва унинг дунё манзараси структурасидаги ўрни.

Дунёнинг мифологик, диний, илмий ва фалсафий манзаралари орасидаги ўзаро алоқадорлик ва фарқ.

Фан ва эзотеризм мутаносиблиги. Эзотерик тасаввурнинг асосий мақсади. Эзотерик ва экзотерик билимлар. Оккультизм ва спиритуализм. Анохронизм, телекинез, телепатия, магия - эзотерик билим сифатида.

Спиритуализмнинг йўналишлари.. Оккультизм – қадимги билим сифатида.

XXI аср фанининг долзарб муаммолари. Пассионарлик ва субпассионарлик. Коэволюция, виртуаллик ва виртуал реаллик. Виртуал зарралар. Клонлаштириш ва евгеника. XXI аср фани ва фалсафасидаги муҳим муаммолар. Нанотехнологиялар. Кашфиёт ва имкониятлар – фан тараққиёти натижаси.

## ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФА фани бўйича

Ижтимоий фалсафа-инсоният фалсафий маданиятининг таркибий қисми. Фалсафа ва ижтимоий фалсафа ўртасидаги умумийлик, алоҳидалик ва ўзига хослик. Ижтимоий фалсафа-жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий билишнинг моҳияти ҳамда тамойиллари тўғрисидаги таълимот. Ижтимоий фалсафанинг асосий тамойиллари: ижтимоий қадриятларнинг индивидуал ва синфий қадриятлардан устуворлиги, баркамол инсон ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади эканлиги, ижтимоий ўзгаришлар ва

ижтимоий барқарорликнинг ўзаро мутаносиблиги, маънавий ривожланишнинг моддий-иқтисодий ривожланишдан устуворлиги.

Ижтимоий фалсафа тарихи– жаҳонфалсафаси тарихининг ажралмас қисми. Қадимги Шарқдаги ижтимоий фалсафий қарашлар. Қадимги Юнон мутафаккирлари инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисида (Сократ, Платон ва Аристотелнинг ижтимоий - фалсафий таълимоти). Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб халқлари ижтимоий-фалсафий ғояларининг ўзига хосликлари. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синонинг ижтимоий фалсафий қарашлари. Ўрта асрлар ижтимоий фалсафаси.

Уйғониш давридаги ижтимоий-фалсафий қарашлар ва таълимотларнинг характери. Янги даврда ижтимоий фалсафанинг ривожланиш хусусиятлари. 19-20 асрлардаги асосий ижтимоий-фалсафий таълимотлар, оқимлар ва йўналишлар. Ҳозирги даврда ижтимоий фалсафа ривожланишининг хусусиятлари ва тенденциялари.

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни билишнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий борлиқ – борлиқнинг ўзига хос шакли. Ижтимоий билишнинг мазмуни ва усуллари: назарий ва эмпирик билиш, кузатиш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, моделлаштириш, аналогия, қиёслаш, тарихийлик, мантиқийлик ва бошқалар. Ижтимоий-фалсафийбилишнинг асосий мақсади – жамиятва инсоннинг моҳияти ва умумий тараққиёт қонунлари тўғрисида изчил ва яхлит, бир бутун дунёқарашни шакллантириш.Ижтимоий фалсафа ва ижтимоий билишнинг умумий вазифалари (функциялари): дунёқарашни шакллантириш, илмий билимлар бериш, комил инсонни тарбиялаш, жамият истиқболини башорат қилиш, кишиларни юксак ғояларни амалга ошириш учун сафарбар этиш ва бошқалар.

Жамият одамлар ўртасида амал қиладиган хилма-хил муносабатлар тизими ва ижтимоий институтлар мажмуи сифатида.Жамият ҳаётида тартиб ва тартибсизлик, онглилик ва онгсизлик, барқарорлик ва беқарорликнниг ўзаро алмашиниб туриши. Жамият ҳаётининг кўпқиррали ва кўпўлчамли эканлиги. Кишиларнинг бунёдкорлик фаолияти - жамиятни ўзгартириш ва ривожлантиришнинг муҳим омили.

Ижтимоий онг тушунчасининг замонавий талқини. Инновацион онг- ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли. Ижтимоий онг ва индивидуал онг уларнинг ўзаро алоқаси. Ижтимоий психология ва мафкура.Миллий ғоя - ижтимоий онгнинг таркибий қисми.. Ижтимоий онгнинг назарий ва амалий даражалари, уларнинг уйғунлиги масаласи. Ижтимоий онгнинг тарихий шакллари(эстетик, аҳлоқий, мифологик, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқ.) ва уларнинг эволюцияси.

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида давлатнинг ўрни ва роли. Демократик қадриятларни қарор топтириш – сиёсийислоҳотларнинг бош мақсади.Конституция – демократик жамият сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси.Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришда таълим-тарбия тизимининг ўрни.

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси. Фуқаролик жамияти барпо этиш жаҳон ижтимоий ҳаётининг бош йўналиши. Инсоният маънавий ҳаётида глобаллашувнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Глобаллашув ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши шароитида Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотининг халқаро майдонда шаклланаётган интеграция қутблари тизимидаги ўрни.

Инсоннинг келиб чиқиши тўғрисидаги мифологик ва диний қарашлар. Инсоннинг келиб чиқиши тўғрисидаги илмий фараз ва далиллар, илмий назариялар ва таълимотлар. Шарқ мутафаккирларининг инсон ҳаётининг маъноситўғрисидаги қарашлари аҳамияти (Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Навоий ва бошқалар). Тасаввуф фалсафаси инсон ҳаётининг мазмуни тўғрисида. Экзистенциализм – инсон ҳаётининг мазмуни ҳақидаги фалсафий таълимот.

Шахс-комплекс муаммо. Шахс инсоний сифат ва фазилатлар мажмуаси сифатида. Шахс структурасида ишонч-эътиқоднинг ўрни ва роли. Индивид, шахс ва индивидуаллик тушунчалари, уларнинг узвий боғлиқлиги ва ўзига хослиги. Шахснинг ноёблиги ва такрорланмаслиги.

Инсон фаолиятининг яратувчанлик моҳияти. Шахс ижтимоий ва меҳнат фаоллигининг узвий боғлиқлиги. Инсон маънавий салоҳияти - фаоллик асоси. Шахс ва жамият манфаатларининг узвий боғлиқлиги. Худбинлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик, вайронкорлик тамойилларининг жамият тараққиётига зидлиги. Шахснинг меҳнат фаоллиги - ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим асоси. Тадбиркорлик, мулкка эгалик, ахлоқий поклик, ўзликни англаш, миллий ғояга содиқлик шахс фаоллигининг мезони эканлиги.

Ижтимоий барқарорлик - жамият моддий фаровонлигини таъминлаш, баркамол инсон шахсини шакллантириш, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон турмуш шароитларини яратишнинг муҳим шарти.Ижтимоий беқарорликнинг ижтимоий офатларнинг пайдо бўлишига, конфликтларнинг кескинлашувига олиб келиши. Унинг тараққиёт мафкурасига зидлиги.

"Ижтимоий нормалар" тушунчаси ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти. Ижтимоий нормаларнинг таснифланиши. Ижтимоий нормаларнинг таркибий функционал табиати. Ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар муносабати: умумийлик ва хусусийлик. Ижтимоий нормаларнинг асосий белгилари. Девиант хулқ-атворни олдини олишда ижтимоий нормаларнинг роли. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий нормаларнинг аҳамияти.

Жамият тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, шаклларива йўналишлари тўғрисида: ижтимоий ривожланишнинг кўпвариантли ва ранг-барангли эканлиги. Турли цивилизацияларнинг ўзаро таъсири ва узвий боғлиқлиги. Формацион ёндашув ва унинг моҳияти.Жамиятга формацион ёндашувнинг бир ёқламалиги ва унинг тарихан чекланганлиги. Ижтимоий ривожланиш ҳақидаги назарияларнинг хила-хиллиги.

Ижтимоий тараққиёт субъектлари. Тараққиётни ҳаракатлантирувчи кучлар. Ижтимоий эҳтиёж, манфаат ва уларнинг ижтимоий тараққиётдаги

ўрни. Шахснинг жамият тараққиётидаги роли. Жамият ҳаётидаги манфаат ва эҳтиёж муаммолари, уларнинг ҳал этилишида шахсларнинг роли.

Миллий ўзликни англаш ва цивилизацияли тараққиёт йўлига ўтишда миллий қадриятларнинг ўрни ва роли. Умуминсоний қадриятларнинг миллий қадриятлардан устуворлиги – цивилизацияли тараққиётнинг бош йўналиши.

Коррупция тушунчасининг ижтимоий ҳодиса сифатидаги умумий тавсифи. Коррупция-ижтимоий таҳдиднинг мураккаб шакли. Коррупцияга қарши курашда умумдавлат этикаси ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг долзарб муаммо эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг амалий ва назарий ғоялари. Коррупцияга қарши курашнинг асосий тамойиллари. БМТнинг "Коррупцияга қарши кураш конвенцияси" ва унинг аҳамияти.

Жаҳон цивилизациясини шакллантириш - ижтимоий-фалсафий муаммо. Жаҳон цивилизациясини шакллантиришнинг энг муҳим белгилари. Жаҳон цивилизацияси - маҳаллий цивилизациялар, Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг илғор томонлари ва ютуқлари уйғунлашуви сифатида. Ўзбекистоннинг Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини боғловчи кўприк, ҳалқа эканлиги.

Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш стратегиясининг мазмуни, моҳияти, ва аҳамияти. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг ноёб, бетакрор ва ўзига хослиги.Ижтимоий ривожланишнинг тадрижийлиги, миллий менталитет ва салоҳиятга мослиги.

## ФАЛСАФА ТАРИХИ фани бўйича

Қадимги Миср мифологияси ва унинг дунёқарашни шакллантирувчи функцияси. Миср мифларида олам манзараси. Гильгамеш эпоси, унда ҳаёт ва ўлим масаласининг муҳокама этилиши. Қадимги Миср ва Бобилдаги илмий билим куртаклари ва мифологиянинг Қадимги грек фалсафасининг шаклланишига таъсири.

Қадимги Ҳиндистонда фалсафий фикрларнинг юзага келиши.

Ведалар, уларда бадиий-мифологик дунёқарашнинг ифодаланиши. Брахманизмнинг шаклланиши ва моҳияти. Ҳинд тафаккурида эпик давр. Махобхарот, унинг фалсафий-мифологик мазмуни. Буддизм диний-фалсафий таълимот сифатида. Жайнизм, ундаги атомистик қарашлар. Қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг вужудга келиши. Чорвоқ фалсафий таълимоти. Санкхья, ундаги пракрити (материя) ва пуруша (руҳ) дуализми. Йога ва йогинлар. "Бхагавадгита"даги йогин образи. Вайшешика, унда борлиқ ва ноборлиқ масалаларининг қўйилиши. Ньяяда билиш масалалари. Миманса ва веданта таълимотлари. Қадимги ҳинд фалсафасининг фалсафий фикр ривожида тутган ўрни.

Қадимги Хитойда фалсафанинг вужудга келиши. Қадимги Хитойда диний-мифологик қарашлар. Қадимги Хитой мумтоз фалсафаси. Конфуций таълимоти, унда антропологик, ижтимоий ва ахлоқий масалаларнинг устуворлиги, унинг бугунги кунда ёшларни умуминсоний аҳлоқий

қадриятлар руҳида тарбиялашдаги аҳамияти. Даосизм, унда борлиқ ваноборлиқ масалаларининг муҳокама этилиши. Легизмда жамият, бошқарув, қонунчилик масалаларининг қўйилиши ва ҳал этилиши.

Қадимги Юнонистонда олд фалсафий фикрлар. Эллин маданияти, унинг диний-мифологик қарашларда ифодаланиши. Гомер мифологияси ва космологияси. “Илиада” ва “Одиссея” эпослари социоантропоморфик дунёқараш намуналари сифатида. Милоддан аввалги VI-V асрларнинг ўрталарида фалсафанинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши

Иония фалсафаси. Милет мактаби фалсафий таълимоти.Фалес (эр.авв. 625-547 йй.) қадимги юнон олими ва файласуфи сифатида. Анаксимандр (эр.авв. 610-546 йй.)нинг апейронни борлиқ субстанцияси сифатида асослаши. Унинг космогонияси ва эсхатологияси. Анаксимандр ҳаётнинг келиб чиқиши ва инсон ҳақида. Анаксимен (эр.авв. 588-525 йй.) дунёқараши. Ҳаво - борлиқ субстанцияси. Анаксименнинг космогонияси ва космологияси ҳамда жон ҳақидаги қараш-лари. Гераклит фалсафаси. Гераклит (эр.авв. 544-480 йй.) дунёқараши. “Табиат ҳақида” асари, унда борлиқ масаласининг қўйилиши. Табиий зарурият ғоясининг асосланиши. Космогонияси, борлиқнинг умумий оқувчанлиги, ўзгарувчанлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари. Гераклит диалектикаси. Инсон руҳияти ва билиш тўғрисидаги таълимоти. Ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари.

Италия фалсафаси. Пифагорчилар фалсафий таълимоти. Қарама-қаршиликлар ҳақидаги мулоҳазалари. Филолай ва Архит - пифагорчилар намоёндалари. Элей фалсафий мактаби. Ксенофан ( эр.авв. 565-473 йй.)нинг иония натурфалсафасига ўзгартириш киритиши. Ксенофан пантеизми. Ксенофан таълимотидаги зиддиятлар. Парменидннинг «Табиат ҳақида» асари, унда «шубҳали йўлнинг» «ҳақиқат йўлига» қарама-қарши қўйилиши. Парменид томонидан борлиқ категориясининг талқин қилиниши ва ноборлиқнинг инкор этилиши. Парменднинг билиш назарияси. Зеноннинг борлиқ, фазо, вақт ва ҳаракат тўғрисидаги қарашлари. Зенон апориялари. “Зенон - диалектика ихтирочиси” (Арасту). Эмпедокл фалсафаси. Анаксагор фалсафаси. Софистлар катта гуруҳи. Протагор (эр.авв.480-410 йй.) дунёқараши. Софистлар кичик гуруҳининг қарашлари ва Арасту томонидан софистикага берилган баҳо. Суқрот фалсафаси. Мумтоз юнон фалсафаси

Левкипп-Демокритнинг атомистик таълимоти. Афлотун фалсафаси.

Арасту фалсафаси (эр.авв. 384-322 йй.)нинг ҳаёти ва асарлари. Арастунинг эстетик қарашлари. Арасту меросининг фалсафий фикр ривожига таъсири. Арасту ва Шарқ перипатетизми.

Эпикурчилик. Эллинизм даврида Ўрта Ер денгизи халқлари ҳаётида ижтимоий- сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Эпикур (341-270 йй.) ҳаёти ва асарлари. Эпикурнинг билиш назарияси. Индивидуализм - Эпикур этикасининг асоси. Лукреций Карнинг атомизми, борлиқ тўғрисидаги қарашлари. Эпикур ва эпикурчиларнинг ижтимоий қарашлари.

Стоицизм. Юнон стоицизмининг шаклланиши, унда онтология ва космология масалаларининг муҳокама этилиши. Юнон стоикларининг билиш назарияси ва мантиғи. Рим стоицизмининг ўзига хослиги. Панетсий ижоди.

Посейдон дунёқараши. Сенека ижоди. Рим эклектизми. Цицерон, Марк Аврелий қарашлари.

Скептицизмнинг шаклланиши ва асосий ғоялари. Пиррон - скептицизмнинг асосчиси. Унинг бахт тушунчасини талқин қилиши ва бахт-саодатга эришиш йўлларини аниқлаши. Тимон - пирронизм тарғиботчиси, унинг ишончли билим асослари тўғрисидаги қарашлари.

Неоплатонизмнинг шаклланиши, асосий мактаблари. Плотин (203-270 йй.)нинг ҳаёти ва фаолияти, асарлари. Прокл Афина мактабининг асосчиси ва неоплатонизмнинг системалаштирувчиси. Дунёвий жараённинг триадалик ритми ҳақидаги таълимоти. Юстиниан томонидан Афина мактабининг ёпилиши, формал равишда антик фалсафанинг тугалланиши.

Христиан динининг ақидалари, уларнинг Ўрта аср Ғарб фалсафасининг шаклланишига таъсири. Ўрта аср Ғарб фалсафасининг теоцентрик моҳияти, унинг ривожининг асосий босқичлари. Августин таълимоти. Патристика даврининг хусусиятлари.

Реализм ва номинализм ўртасидаги бахс. Реализмнинг кескин ўта ва мўътадил оқимлари. Ансельм Кентерберийскийнинг схоластик реализми. Худо концепцияси. Пъер Абеляр ва унинг черков ва ортодоксал схоластикага қарши кураши. Номинализмда индивидуал шахсга эътибор, инсон хатти-ҳаракати ва ирода эркинлиги. Ақлнинг эътиқодга нисбатан устунлиги. XIII асрда Европада схоластика ва фалсафий фикрлар ривожи. Фома Аквинский томонидан Арасту таълимотининг христиан илоҳиётчилиги руҳида талқин қилинишининг танқиди. XIII асрда Европада илм-маърифатнинг ривожи. Университетларнинг ташкил этилиши. Схоластиканинг инқирози. Номинализмнинг ривожи. Р.Бэкон, Д.Скотт ва У.Оккам қарашлари.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асргача Европа мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий–маънавий ўзгаришлар. Уйғониш даври фалсафасининг антропоцентрик ва гуманистик моҳияти ҳамда асосий йўналишлари. Н.Кузанский табиий-илмий қарашларидаги гелиоцентрик ғояларнинг моҳияти. Кузанскийнинг пантеистик онтологияси. Билиш ҳақидаги таълимоти. Мантиқий қиёслаш ва тафовутлаш тўғрисидаги фикрлари. Флоренциядаги неоАфлотуниклар фалсафаси. Уйғониш даври космологияси. Н.Коперник гелиоцентрик таълимотининг моҳияти ва дунёқараш аҳамияти. Ж.Брунонинг ҳаёти ва илмий мероси. Бруно дунёқарашида коинотнинг чексизлиги ва оламнинг саноқсизлиги тўғисидаги ғоялар. Леонардо да Винчининг ижодиёти. Г.Галилейнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари.Уйғониш даври социологик таълимотлари. Уйғониш даврининг социологик таълимотлари. Инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳақидаги ғояларнинг вужудга келиши. Никколо Макиавелли - ягона марказлашган дунёвий ҳокимият тарафдори. Томас Морнинг ва Томаззо Кампанелланинг утопик ғоялари.

Френсис Бэкон фалсафаси. Янги давр Ғарбий Европа фалсафасининг шаклланиш шарт-шароитлари. Йирик саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши, унинг фан тараққиётига кўрсатган таъсири. Классик фалсафанинг шаклланиши. Фалсафада илмий билиш методологияси масалаларининг

тадқиқ этилиши. Ф.Бэкон – давлат арбоби сифатида. “Янги Оганон” – фан ва унинг усуллари тўғрисидаги асар. Ақл идоллари ҳақида. Билишда услубниг роли ҳақида. Индуктив услуб ҳақида. Догматик метод танқиди. Фанлар классификацияси. Бэкон онтологияси. “Янги Атлантида”да ижтимоий-фалсафий масалалар ечими.

Рене Декарт фалсафаси. Рене Декарт ҳаёти ва илмий фаолияти. Декартнинг рационал-дедуктив методи. Декарт дуализми. Ҳаракат ҳақидаги таълимот. Декарт физикаси. Космологик концепция. Декарт гносеологияси. Услуб ҳақидаги таълимот. Ақл бошқаруви қоидалари. Шубҳа концепцияси. Туғма ғоялар ҳақидаги таълимот. Декартнинг ахлоқий қарашлари.

Томас Гоббс фалсафаси. Томас Гоббс ҳаёти, ижоди. Гоббс онтологияси. Фанларга муносабат. Гоббснинг механистик материализми. Унинг ахлоқий таълимоти. Гоббснинг ижтимоий фалсафаси. “Левиафан” – давлат ҳақидаги концепция. Табиий ва фуқаролик хола-ти ҳақидаги таълимот.

Бенедикт Спиноза фалсафаси. Бенедикт Спиноза – биографик маълумотлар ва фалса-фий асарлари. Декарт фалсафасига муносабат. Пантеистик фалсафаси. Худо-табиат муносабати. Спинозанинг онтологияси. Субстанция ва унинг атрибутлари, модуслар ҳақида. Спинозанинг билиш назарияси. Унинг ахлоқий қарашлари. Эркинлик ва заруририят ҳақидаги таълимот.

Жон Локк фалсафаси. Жон Локкнинг ҳаёти ва ижоди. Локк онтологияси. Унинг гносеологияси. Бирламчи ва иккиламчи сифатлар ҳақидаги таълимот. Локкнинг ижтимоий фалсафаси. Ҳурфикрлик ҳақидаги концепция. Унинг либерализми. Локк фалсафасининг кейинги тақдири.

Готфрид Лейбниц монадологияси. Готфрид Лейбниц – ҳаёти ва ижоди. Асосий асарлари. Туғма ғоя инкори. Лейбницнинг онтологик қарашлари. Монадологоия – объектив ва субъектив идеализм унсурлари ҳақидаги таълимот. Моддий дунёнинг феноменологик характери. Имконий дунёлар ҳақидаги таълимот. Ўрнатилган уйғунлик тўғрисида. Лейбниц фалсафасининг кейинги ривожи.

XVIII асрнинг иккинчи ярми XVIII аср биринчи ярмида Англияда ижтимоий-сиёсий ҳолат. XVIII асрда Англияда маърифатпарварлик фалсафасининг ривожи. Жон Толанд фалсафаси. Толанднинг пантеистик қарашлари. Толанд ижодида хурфикрлик ғоялари. Англияда ахлоқий таълимотларнинг ўзига хос ривожи. А.Шефтсбери ва Хатчесоннинг ахлоқий қарашлари. Б.Мандевилнинг ахлоқий таълимоти. Давид Гартлининг фалсафий қарашлари ривожи. Антони Коллинзнинг фалсафий қарашлари. Жозеф Пристлининг фалсафий фикрлари ривожи. Англияда идеалистик таълимотлар ривожи. XVII-XVIII аср инглиз зиёлиларининг фалсафа ва динга муносабати. Жорж Берклининг фалсафий таълимотининг асосий тамойиллари. Унинг материя ва объектив олам ҳақидаги таълимоти. Ж.Берклининг динга муносабати. Ж.Берклининг фалсафа тарихидаги ўрни ва роли. Давид Юм фалсафасининг ижтимоий-сиёсий илдизи. Д.Юмнинг онтологик қарашлари. Д.Юмнинг гносеологик қарашлари. Унинг «Инсонни

билиш ҳақидаги тадқиқоти» асарида фалсафий масалаларнинг таҳлили. Ўхшашлик ассоциациялари. Макон ва замон ассоциациялари. Сабабият ассоциациялари.

XVIII аср француз маърифатчилигининг ўзига ҳос хусусиятлари ва ривожи. Уларнинг динга муносабатлари. Вольтернинг фалсафий таълимоти. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Шарл Монтескьенинг маърифатпарвар ғояларининг шаклланиши. Ш.Монтескьенинг динга муносабати. Монтескъенинг жамиятга нисбатан географик детерминизми. Ж.Ж.Руссо - франциянинг сиёсий мафкурачиси. Руссонинг «Инсонлар ўртасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар» асарида фалсафий ва ижтимоий муаммолар. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Ж.Ж.Руссо давлатнинг келиб чиқиши ҳақида. Унинг динга муносабати. Ж.Ж.Руссонинг педагогик қарашлари.

XVIII аср француз фалсафасининг ижтимоий фикр тарихида тутган ўрни. Дени Дидронинг ҳаёти, ижоди ва асарлари. Дидронинг фалсафий қарашлари. Дидронинг билиш назарияси. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Дидронинг динга бўлган муносабати. Этъен Кондельякнинг ҳаёти ва фаолияти. Э.Кондильяк билиш назарияси ва системалар муаммосига муносабати. Э.Кондильякнинг ижтимоий-фалсафий, тарихий ва сиёсий қарашлари. Ламетрининг табиий-илмий қарашлари. Унинг фалсафий қарашлари. Борлиқ ҳақидаги таълимоти. Ламетрининг гносеологик қарашлари. Унинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари. Ламетрининг ижтимоий қарашлари. Францияда материалистик таълимотлар. П.Гольбахнинг ҳаёти, ижоди ва асарлари. Унинг табиатшуносликка муносабати. Материя ва ҳаракат бирлиги ҳақида. Гольбахнинг билиш назарияси. Унинг фаталистик детерминизми. Динга бўлган муносабати. Ижтимоий-сиёсий қарашлари. Конституцион монархия Гольбахнинг сиёсий идеали эканлиги. Гельвеций ҳаёти. Ижоди ва асарлари. Гельвеций фалсафасида материя ва ҳаракат. Гельвецийнинг билиш назарияси. Гельвецийнинг жамият ҳақидаги қарашлари. Гельецийнинг динга бўлган муносабати.

Немис фалсафаси ривожининг босқичлари. XVIII аср иккинчи ярми XIX асрнинг биринчи ярмида юзага келган немис фалсафасининг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий илдизлари. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида немис фалсафаси ривожига табиий-илмий ва диний таълимотларнинг таъсири. Кантнинг ҳаёти, ижоди ва асарлари. Кант дунёқарашининг эволюцияси. Кантнинг танқидий даврга бўлган ижоди. Унинг табиий-илмий қарашлари. Кант «Соф ақлнинг танқиди» асарининг тизими ва мазмуни. Кант назарий ва амалий ақлни танқиди. Унинг эстетик назарияси. Кантнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Кант таълимотининг кейинги даврда Ғарбий Европа фалсафасидаги тақдири. Иоганн Фихте фалсафаси. Фихтенинг ҳаёти, ижоди ва асарлари. Фихте фалсафий қарашларининг шаклланишида Кантнинг таъсири. Унинг субъектив идеализми. Фихте диалектикаси. Фихтенинг ижтимоий қарасъҳалари. Унинг ахлоқий қарашлари. Иосиф Шеллинг фалсафаси. Шеллинг ҳаёти, ижоди ва асарлари. Шеллинг фалсафасининг шаклланишида Кантнинг таъсири.

Шеллингнинг табиат фалсафаси. Унинг диалектикаси. Шеллинг билиш назарияси. Ижтимоий-сиёсий қарашлари. Шеллинг «Санъат фалсафасининг моҳияти» ҳақида. Шеллинг фалсафасида «Илоҳий башорат» таълимоти. Вильгельм Гегель фалсафаси. Гегель фалсафий ижодининг асосий даврлари ва босқичлари. Гегелнинг фалсафий системаси ва услуби. Гегель табиат фалсафасининг асосий хусусиятлари. Гегелнинг мутлақ руҳ ҳақидаги таълимоти. Гегелнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Гегель дин, ҳуқуқ ва санъат фалсафаси ҳақида. Гегель фалсафа тарихчиси сифатида. Людвиг Фейербахнинг антропологик фалсафаси. Фейербахнинг ҳаёти, ижоди ва асарлари. Фейербахнинг антропологик фалсафаси. Унинг гносеологик таълимоти. Фейербах томонидан Гегель фалсафасини танқид қилиниши. Ижтимоий-сиёсий қарашлари. Фейербах янги муҳаббат дини ҳақида. Унинг ахлоқий қарашлари.

Позитивизмнинг шаклланиши ва асосий хусусиятлари. О.Контнинг позитивистик фалсафаси. Дунё ва билиш ҳақидаги позитивистик таълимот. О.Контнинг ижтимоий-сиёсий концепцияси. Г.Спенсернинг қарашлари. Ижтимоий-социологик назарияси. Эволюция ва унинг қонунияти ҳақидаги таълимоти. Биринчи позитивизмнинг аҳамияти. Ж.Милл ва мантиқдаги позитивистик ғоялар. Позитивизмнинг кейинги ривожи.

Неокантчиликнинг ижтимоий-тарихий ва ғоявий-назарий асослари, асосий оқимлари ва хусусиятлари. Неокантчиликнинг физиологик йўналиши намоёндалари - О.Либман (1840-1914), Г.Гельмгольц (1821-1894 йй.), Ф.А.Ланге (1828-1875 йй.). Ф.А.Лангенинг «Ишчи масаласи»да ижтимоий қарашлари. Неокантчиликнинг марбург мактаби намояндалари - Г.Коген (1842-1918 йй.), П.Наторп (1854-1924 йй.), Э.Кассирер (1874-1945 йй.). Г.Коген математик табииётшунослик ҳақида. Г.Когеннинг «ахлоқий социализми». П.Наторп «аниқ фанларнинг мантиғи» ҳақида. Э.Кассирер - фан тарихчиси. Унинг символик шакллар фалсафаси. Неокантчиликнинг ижтимоий концепцияси.

Ғарбий Европа мамлакатларида иррационализмнинг шаклланиши. Артур Шопенгауэр (1788-1860 йй.) - иррационал оқим намояндаси. Дунё - тассавур сифатида. Дунё ирода сифатида. Шопенгауэр - Гегель фалсафий системасининг танқидчиси. Ахлоқий пессимизми. Буддизмга муносабати. Эстетик қарашлари. Санъат - бу ироданинг намоён бўлиши. Ижтимоий-сиёсий фикрлари. Шопенгауэр ижодининг «ҳаёт фалсафаси»га таъсири.

«Ҳаёт фалсафаси»нинг вужудга келиши, унинг ижтимоий-тарихий ва ғоявий-назарий асослари ҳамда моҳияти. Ф.Ницше дунёқарашини шаклланишига «Юнон мабудларининг» ва афсоналарининг кўрстган таъсири. «Ҳаёт» тушунчаси. «Комил инсон» ҳақидаги таълимот. «Ҳокимиятга интилиш» - инсоният тарихини ҳаракатга келтирувчи куч. Ф.Ницше этикаси. Динга бўлган муносабат. «Абадий қайтиш» тўғрисидаги афсона. Ницшечиликнинг тақдири.

А.Бергсон фалсафий таълимотининг ижтимоий-тарихий ва ғоявий назарий манбалари. «Ҳаёт фалсафаси»нинг французча талқини. «Ҳаётий жўшқинлик» - эволюсияни ҳаракатлантирувчи куч. Биологиядаги

механицизм танқиди, эволюсиянинг асосий йўналишлари тўғрисида. А.Бергсон фалсафасида инсон муаммоси «Давомийлик» - инсон «ҳаётий жўшқинлиги»нинг намоён бўлиши сифатида: давомийлик ижодий жараён сифатида; давомийлик биологик вақт сифатида; давомийликнинг, хотира ва интеллектнинг инсон ҳаётидаги роли. Инстинкт ва интеллект. «Интеллектуал интуиция» ҳақидаги таълимот. А.Бергсоннинг ҳаётий тарих фалсафаси ҳамда очиқ жамият ҳақидаги қарашлари.

Освалд Шпенглер (1880-1936 йй.)нинг ҳаёти ва ижодий фаолияти. Тарих фалсафаси. Тарих - бу кечинмалар мажмуаси. Тарихнинг даврийлиги. Тарихий тараққиёт - бу фикция. Тарих - ёпиқ системадир. О.Шпенглернинг ижтимоий-сиёсий концепцияси. «Европа қуёшининг ботиши» асари. Маданият ва цивилизация ҳақидаги фикрлари. Маданият руҳияти ва фатализм (тақдир) тўғрисидаги қарашлари. Шпенглер фалсафасининг Ғарб ижтимоий фикр тараққиётига таъсири.

Экзистенциализм фалсафасининг назарий асослари. Э.Гуссерлнинг феноменологик таълимоти, унинг немис экзистенциализми шаклланиши ва ривожига таъсири. М.Хайдеггер (1889-1955 йй.) экзистенциализми. Борлиқ масаласи. феноменологик услуб. Инсон, унинг эркинлиги масаласи, танлаш, ўлим олдидаги қўрқув, яшаш масъулияти. Тил «борлиқ уйи» сифатида. К.Ясперс (1883-1969 йй.)нинг экзистенциалистик қарашлари. Мавжудлик ва экзистенсия. Чегаравий вазиятлар, уларнинг турлари. Тарих фалсафаси. «Шифр» ҳақидаги фикрлари. Динга бўлган муносабат. Немис экзистенциализмининг ўзига хос томонлари, бошқа оқимларга таъсири, ҳозирги кундаги аҳамияти.

Сёрен Къеркегор (1813-1855 йй.)нинг христианлик руҳидаги экзистенсиалистик фалсафаси. Инсон муаммосининг қўйилиши ва ҳал этилиши. Шахснинг уч типлиги ҳақдаги фикрлари (эстетик, ахлоқий, диний). Ақлнинг танқиди. Гегель фалсафаси танқиди. С.Къеркегор - чуқур шахсий характерга эга бўлган фалсафа тарғиботчиси. Фалсафада «танлаш» муаммоси. «Қўрқув», «умидсизланиш», «қатъият» тушунчаларининг ишлаб чиқилиши. С.Къеркегор фалсафасининг XX аср экзистенсиализмига таъсири.

Францияда экзистенциализмнинг вужудга келиши ва ривожи, унинг назарий манбалари. Ж.П.Сартр (1905 йилда туғилган), унинг феноменологик борлиқ, «Борлиқ ўзида» ва «ўзи учун борлиқ» ҳақидаги фикрлари. Борлиқ ва бўшлиқ. Эркинлик масаласи. Танлаш ва масъулият. Динга муносабати. А.Камю (1913-1960 йй.) фалсафий қарашлари эволюсияси. Инсоннинг табиатдан ва бошқа инсонлардан бегоналашиши масаласи. Ҳаёт мазмуни, абсурдлик; умуминсоний қадриятларнинг А.Камю ижодида салоҳиятли ўрин эгаллаши. Динга муносабати. Француз экзистенсиализмининг кейинги тақдири.

Прагматизмнинг ижтимоий-тарихий, назарий-ғоявий асослари. Америка - прагматизмнинг ватани. Чарлз Пирс (1839-1914 йй.) - прагматизм асосчиси. Билиш масалаларининг қўйилиши, «шубҳа-ишонч» таълимоти. ЭЪтиқодни мустаҳкамлаш усуллари. Ҳақиқат концепцияси. Уильям Джемс (1842-1910 йй.) прагматизми. Фалсафий темпераментлар ҳақидаги таълимот.

Прагматизм баҳсли мунозараларни ҳал қилиш услуби сифатида. Билишда «тажриба» ва ирода аҳамиятининг ўзига хос талқини. Прагматизм намоёндаларининг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. Прагматизмнинг кейинги тақдири.

Психоаналитик оқимнинг вужудга келиши. З.Фрейднинг (1856-1939 йй.) ижтимоий-фалсафий қарашлари. З.Фрейд инсоннинг ҳирсий табиати ҳақида. «Эдип комплекси» ва либидо тушунчалари. З.Фрейднинг динга муносабати.

Араб дунёсида маърифатчилик даври 19 аср ўрталари 20 аср бошлари. Жамолиддин Афғоний ва Мухаммад Абдо фалсафий дунёқарашлари. Араб фалсафасида персонализм, мантиқий позитивизм ва экзистенциализм ғояларининг шаклланиши. Араб фалсафаси XX аср мантиқий позитивизм вакили, Мисрлик Закий Нажиб Маҳмуднинг ҳаёти ва ижоди. Маҳмуд қарашларига австрия мантиқ мактабининг таъсири. Закий Нажиб Маҳмуд мантиқий позитивизмининг унинг «Метафизика абсурди» (1951), «Мантиқий позитивизм» (1961), «Илмий фалсафага доир» (1962)асарларида ва «Замонавий тафаккур» (1962) журналида акс этиши. Маҳмуд қарашларида «ақл» ва «рационаллик» тушунчалари талқини. Абдурахмон Бадавийнинг араб экзистенсианализми. Бадави қарашларига М.Хайдеггернинг таъсири. Тасаввуфда экзистенсиализм илдизларининг изланилиши. Ўлим масаласи. «Вақт», «эркинлик», «интуиция» категорияларининг анализи. Француз персонализмининг Муҳаммад Азиз Лаҳбабий қарашларига таъсири. Муҳаммад Азиз Лаҳбабийнинг «Реалистик персонализм» ғояси. Муҳаммад Азиз Лаҳбабийнинг билиш, жамият, цивилизация ҳақидаги қарашлари.

Рам Моҳан Ройнинг маърифий қарашлари. Саид Аҳмад Хон - маърифатпарвар. Муҳаммад Иқбол - маърифатпарвар мутафаккир сифатида. Неоҳиндуизм фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши. Рамакришнанинг дунёқараши. Свами Вивекананданинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. Ауробиндо Гҳошнинг интеграл ведантаси. Маҳатма Гандининг фалсафаси. Рабиндранат Тагорнинг инсонпарварлик фалсафаси. Жавоҳарлал Нерунинг фалсафий қарашлари. Мустақиллик даври фалсафасининг муаммолари. Сарвапалли Радхакришнан фалсафаси. Неоведантизм фалсафаси.

XIX аср ўрталари – XX асрнинг 1-чи ярмида Хитой фалсафаси. Гун Цзычжэнь ва Вэй Юаньнинг фалсафий ғоялари. Хун Сюцюаньнинг диалектикаси. Кан Ювейнинг сиёсий фалсафаси. Лян Шуминнинг ижтимоий фалсафаси. Лян Сичаонинг фалсафий қарашлари. Ян Фунинг фалсафий қарашлари. Ли Дачжао фалсафаси. Сун Ят-сеннинг фалсафий қарашлари. Ху Ши-америкача прагматизм ғояларининг тарғиботчиси. Дэн Сяопиннинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.

Чжусианлик таназзули. Чхве Хан Ги фалсафаси. "Тонхак" мактаби. Шимолий Кореяда фалсафа ва мафкура ривожланишининг хусусиятлари. Жанубий Кореяда фалсафанинг ривожланиши. Японияда ислоҳотларнинг бошланиши, Мейдзи инқилоби. Корея ва Япон аннекция ннтеллектуал муҳити даврида фалсафий фикрлар. Турли мистик характердаги япон

секталарининг жонланиши. Кореяда позитивизмнинг тарқалиши ва унинг конфусийлик ва буддизам билан муносабати. Кореянинг 1953 йилги ажралиб чиқишидан сўнг тараққиёти. «Чучхе» - шимолий Корея фалсафаси. Жанубий Кореяда фалсафанинг ривожланиши. Анънавийликни ғарб фалсафаси доктриналари билан мувофиқлаштиришга уруниш

Японияда маърифатпарварлик.Мейрокуся жамияти. Академик фалсафа. Киото мактаби. Нисида Китаро. Миллатчилик мафкурасининг моҳияти. XX аср материализми. Накаэ Тёмин. Ҳозирги замон япон фалсафасининг энг муҳим жиҳатлари. Танабэ Маджим таълимотида япония киот мактаби анъаналарининг давом эттирилиши. Унинг тарих фалса-фаси. Киот мактабининг бошиа намояндалари Хатано Сейто, Ватсудзи Тетседзо, Янагида Кендзюро ижоди. Улар ижодида тарих фалсафаси, социал психология, фалсафа тарихи масалалари. Машҳур япон файласуфи Райсеку Тейтаро Судзуки ижодида Ғарб ва Шарқ фалсафасининг қиёсий ўрганилиши. Иноуэ Тетсудзиро қарашларида япон миллатпарвар-лиги идеологияси. Япон фалсафаси тарихини ўрганилишида Нагата Хиросининг ўрни.

Зардуштийликнинг вужудга келиши. «Авесто». Зардуштийликнинг асосий ғоялари. Зардуштийлик динида оловнинг гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли куч сифатида тушунилиши. «Авесто» да табиат ҳақидаги билимларнинг илми нужум, табобат ва фалсафага оид фикрларнинг, шунингдек, кишилик жамияти пайдо бўлиши ҳақидаги фикрларнинг баён этилиши. Зардуштийликда жон ҳақидаги таълимот.

Кейинги даврларда зардуштийликнинг мазмуни ва шаклининг ўзгариши, унинг Аршахийлар ва Сосонийлар подшоҳлиги даврида ҳукмрон динга айланиши. Монийлик ва маздакийлик.

Араб ярим ороли ислом дини вужудга келиши арафасида. Қурайш қабиласининг араб қабилаларини исломлаштиришидаги роли. Исломгача бўлган политеистик ва монотеистик динларнинг ислом динини ақидадаштиришдаги роли.

Маккада Муҳаммад пайғамбарнинг монотеистик тарғиботларининг бошланиши. Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага ҳижрати (622 йил) ва мусулмон жамоасининг расмий тан олиниши. 630 йилда Макканинг ҳужумсиз топширилиши.

Ислом динининг асослари муқаддас китоблар бўлмиш Қуръон ва Ҳадисларда акс этиши. Ягона Ҳудо – Оллоҳ – Қуръоннинг марказий тушунчаси. Муҳаммаднинг пайғамбарлик роли ва Қуръоннинг илоҳий кўрсатма (Ваҳий) эканлиги, унинг осмондан юборилганлиги (Танзил) тўғрисидаги тасаввурлар.

Қиёмат ва унинг ижтимоий моҳияти. Исломнинг асосий йўналишлари: оқимлар ва секталар. VII аср бошлари ва VIII асрда шиизмнинг шаклланиши, унинг мафкураси. Исмаилийлар ва Карматларнинг вужудга келиши. Исмоилнинг ўғли – Имом Мухаммад Махди ҳақидаги таълимотлар. Карматлар ижтимоий ва иқтисодий тенглик ҳақида. Карматларга Аль – Маарри, Носир Хисрав и Ибн-Синоларнинг яқинлиги.

Исломдаги оқимлар: ашарийлар, жабборийлар, кадарийлар, мутазилийлар, мутакаллимлар.

1Х-Х1 асрларда араб мамлакатлари ва Эронда фалсафий ғоялар. Аббосийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва тарихий шарт-шароит. Фанлар ривожи. «Байтул ҳикма» донишмандлик уйининг вужудга келиши ва Марказий Осиё олимлари фаолияти. Мутазиллийликнинг тарқалиши. Абу-Юсуф аль-Кинди (800-865) биринчи араб олими. Ал-Киндийнинг методологик ғоялари. Худо-биринчи сабаб. Аристотелнинг сабабият ҳақидаги таълимотининг мукаммаллаштирилиши. Материя, шакл, макон, замон, харакат. Субстанция ва акциденция. Космология. Ҳақиқат ҳақидаги таълимот.

Абу Аъло Ал Маарри (вафоти 1017г) ва унинг ижоди. Аль-Маарри илмнинг келиб чиқишидаги тарихий ва гносеологик илдизлар ҳақида. Маарри қарашларида ахлоқ ва сиёсат масалалари. Ижтимоий адолат ғояси.

Абу Бакр ар-Рози (865-925) – буюк Эрон олими. Шарқ атомистикаси асосчиси Ар-Розийнинг табиатшунослик қарашлари. Худонинг беш бошланғичи ҳақидаги таълимот: жон, макон, замон, материя ва шакл. Космология. Гносеология. Онг моҳияти. Тафаккурнинг вазифаси. Интуитив билиш. “Ҳақиқатнинг иккиланганлиги” таълимотига муносабат. Инсон ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги масалалар. Рациональ гедонизм ғояси. Ар-Розийнинг динга муносабати.

IX – XII асрларда Марказий Осиёда марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши. Самонийлар, Корахонийлар, Ғазнавийлар. Хоразмда Маъмун академиясининг барпо этилиши.

IX-XII асрларда Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда диний фанлар ривожи. Марказий Осиёда ҳадис илмининг ривожланиши. Имом Бухорий ва унинг «Сахихи Бухорий» асари. Ат-Термизийнинг аҳлоқий- сиёсий қарашлари. Имом Мотуридий ва унинг «Тавҳид» асари. Шариат, тарикат; маърифат ва ҳақиқат. Аҳмад Югнакий дунёқараши. Унинг «Хиббатул Хақоиқ» асари. Маҳмуд Кошғарийнинг фалсафий қарашлари. Чағминийнинг фанлар тарихида тутган ўрни.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг(783-850) табиий илмий қарашлари. Марказий Осиё илм-фанига қўшган ҳиссаси.

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг (997 й. вафот этган) “Фанлар калити” номли энциклопедик асари. Фанлар классификацияси. Перипатетизм.

Абу Наср Фаробий (873-950) - Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг таниқли олими. Фаробий ва унинг илмий мероси. Фаробий-«Иккинчи муаллим». Фаробий онтологиясининг ғоявий илдизлари. Борлиқнинг олти босқичи: илоҳиёт, осмон жисмлари, фаол ақл, жон, шакл, материя. Пантеизм ва неоплатонизм, онтологии ва космология. Аристотель таълимотининг янги талқини. Субстанция ва акциденция, материя ва шакл. Фанлар классификацияси. Логика ва унинг билиш тараққиёти, фанлар орасидаги ўрни. Форобий мантиғининг методологик аҳамияти. Фаробийнинг фаровон жамият ва бахт ҳақидаги ғоялари.

Абу Райхон Беруний дунёқараши. Ҳаёти ва илмий мероси. Беруний – энциклопедист олим. Беруний – фан тарихчиси. Берунийнинг онтологик қарашлари. Космология ва космогония. Беруний таълимотида диалектика элементлари. Берунийнинг тажриба -эксперименталь методи. Ҳақиқат мезонлари масалалари. Берунийнинг социологик қарашлари. Инсон, халқлар, табақалар, тиллар келиб чиқиши тарихи. Жамият ривожланишида географик омил аҳамияти. Берунийнинг этик қарашлари. Иқтисодий таълимоти. Берунийнинг Ҳиндистонни ўрганилишидаги ўрни.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) ҳаёти ва илмий мероси. Ибн Сино онтологиясида неоплатонизм элементлари. Моддий дунё тузилиши ва унинг тараққиёти ҳақидаги таълимот. Космология ва космогония. Борлиқнинг сабабий боғланиши ҳақидаги таълимот. Ибн Сино жамият ва давлат ҳақида.

Гносеология. Тажриба ҳақидаги таълимот. Логика ва унинг билишдаги ўрни. Фанлар классификацияси. Ибн-Синонинг давлат ва жамият ҳақидаги таълимоти. Этик қарашлари. Педагогик ғоялари.

Юсуф Хос Хожиб дунёқараши. Унинг «Кутадғу билиг» асари. Инсон, жамият, тарбия муаммоси. Аҳлоқий дидактика.

Маҳмуд Қошғарий ва унинг «Девону луғатут - турк» асари. Маҳмуд Кошғарийнинг фалсафий қарашлари. «Девону луғатут - турк» асарининг ўзбек миллий мероси тарихидаги аҳамияти.

IX-XII асрларда Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда диний фанлар ривожи. Марказий Осиёда ҳадис илмининг ривожланиши. Имом Бухорий ва унинг «Сахихи Бухорий» асари. Ат-Термизийнинг аҳлоқий- сиёсий қарашлари.Имом Мотуридий ва унинг «Тавҳид» асари. Шариат, тарикат; маърифат ва ҳақиқат. Аҳмад Югнакий дунёқараши. Унинг «Хиббатул Хақоиқ» асари. Чағминийнинг фанлар тарихида тутган ўрни.

Марказий Осиёда XIII-XIV асрда ижтимоий, сиёсий ва тарихий аҳвол. Мистик таълимотларнинг кучайиши. Хўжа Аҳмад Яссавий ва унинг Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида тутган ўрни. Хўжа Аҳмад Яссавийнинг тасаввуфий қарашлари. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг сўфийлик таълимоти. Мовароуннаҳрда суфийлик таълимотининг Юсуфа Хамадоний (XII аср.) тариқатида бошланганлиги. Ғиждувоний ва Яссавий таълимоти. ХШ-Х1У асрларда Нақшбандийликнинг вужудга келиши. Тасаввуф адабиётини араб, форс, урду и турк адабиётига таъсири.

Жалолиддин Румий таълимотида сўфизм амалиёти ва назарияси муносабатлари. Унинг комил инсон ҳақидаги таълимоти. Румий таълимотида диалектика элементлари.XV-XVI аср мутафаккирлари ижодига нақшбандийликнинг таъсири. Паҳлаван Маҳмуд-миллий курашнинг асосчиси.

Тафтазонийнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашлари. Тафтазонийнинг калом фалсафаси, мантиқ, геометрия, араб тили грамматикаси ривожига қўшган ҳиссаси.

Журжонийнинг фалсафий, мантиқий-методологик қарашлари.

Амир Темур ва унинг сиёсий қарашлари.Амир Темурнинг ўзбек давлатчилик тарихидаги ўрни ва роли. Темурийлар сулоласи. Самарқанд ва Ҳирот фан ва маданият маркази. Марказий Осиё тарихида Темур сиймосининг фалсафий таҳлили.

Улугбек ( 1396-1449): ҳаёти, ижоди, сиёсий фаолияти. Улуғбекнинг астрономик мактаби. Улуғбекнинг «Астрономик жадвал»и.

Али Қушчи (1403-1474), унинг илмий- ижодий фаолияти ва дунёқараши.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1482-1530) ҳаёти, ижоди, ижтимоий-фалсафий ва аҳлоқий қарашлари. Бобур- йирик давлат арбоби..

Абдураҳмон Жомий (1427-1492) ижодидаги борлиқ ҳақидаги таълимотида оламнинг бирлиги масаласи. Пантеизм элементлари. Жомийнинг ахлоқий-ижтимоий қарашлари. Идеал жамият ҳақидаги таълимот. Гуманизм ғоялари. Фалсафа тарихида Жомий илмий меросининг аҳамияти.

Алишер Навоий (1441-1501) дунёқарашининг ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва гносеологик илдизлари. Навоий билиш назарияси. Ижтимоий-сиёсий қарашлари. Адолатли ва адолатсиз урушлар ҳақида. Навоийнинг аҳлоқий ғоялари. Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.

Гуманизм тамойиллари. Навоий дунёқарашига тасаввуфнинг таъсири. Навоий ўзбек классик адабиёти намояндаси.

Хусайн Воиз Кошифий ( вафоти 1505 й.) жамият ва қонунчилик ҳақида. Кошифий таълимотида аҳлоқий категориялар.

Мирзо Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. «Тўрт унсур», «Ирфон», «Нуқот». Бедил пантеизми. Калом ва тасаввуфга муносабат. Билиш ҳақидаги таълимот. Инсон ва инсонийлик муаммолари. Бедил давлат ва жамият ҳақида.

Бобораҳим Машраб дунёқараши. Машрабнинг антиклерикаль ғоялари. Унинг тасаввуфга муносабати. Машраб пантеизми. Инсон ҳақидаги таълимот.

XIX аср бошида Қўқонда марказлашган феодал давлатининг қарор топиши. Қўқон хонлиги даврида хон саройида тўпланган сарой шоирларининг оламнинг келиб чиқиши, ривожи ва уни билиш тўғрисидаги ғайри илмий фикрларни тарғиб қилишлари ҳақида. Махмур, Гулханий, Огахий, Хоразмий ва уларнинг дунёқараши. Уларининг ҳақиқат, адолат, бахт ва озодлик ҳақидаги ғоялари.

Марказий Осиёни Россия томонидан истило қилиниши. Аҳмад Донишнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. Унинг маърифатпарварлик қарашлари. У томондан демократик ғояларнинг ривожлантирилиши. Фан ва маданият, маърифат ва ижтимоий адолатнинг ривожлантирилишида унинг роли ва ўрни.

Хамзанинг ижтимоий-сиёсий ғоялари. Унинг ҳаёти ва ижоди. Унинг инқилобгача бўлган қарашлари. Хамза ғояларининг инқилобий маърифатпарварликдан инқилобий демократизмга томон йўғрилган ғояларининг кейинги эволюцияси. Хамзанинг этик ва эстетик ғоялари.

Жадидлар. Маҳмудхўжа Беҳбуди (1875-1919) жадидчилик яловбардорларидан бири. Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Кодирий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ижодида жадидчилик ғояларининг ривожлантирилиши. Уларнинг ўзбек халқининг фан, маданият, ахлоқ ва адабиёти соҳаларига қўшган ҳиссалари.

## МАНТИҚ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ фани бўйича

Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти. Тафаккурнинг билишда ўрни ва аҳамияти.

Тафаккурнинг универсал мантиқий шакллари: тушунча, ҳукм (мулоҳаза), хулоса чиқариш. Тафаккур қонуни тушунчаси. Тафаккур қонунлари тўғри фикр юритишнинг принциплари сифатида. Фикрнинг чинлиги ва шакл жиҳатидан тўғри қурилиши. Формал мантиқ тўғри тафаккур структураси (шакллари) ва қонунларини формал методлар ёрдамида ўрганувчи фан сифатида. Мантиқнинг илмий ишонч - эътиқоднинг шаклланишида тутган ўрни. Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.

Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари: фикрнинг аниқ маънога эга бўлиши, изчил ва зиддиятсиз қурилиши, етарли асосга эга бўлиши. Тафаккур қонунларининг мазмуни ва ўзаро алоқаси. Айният қонуни. Нозидлик қонуни. Учинчиси мустасно қонуни. Етарли асос қонуни. Тафаккур қонунларга риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти. Тафаккур қонунларинннг илмий билиш ва амалий мушоҳада юритиш учун аҳамияти.

Тил ахборот (информация) белгилари системаси сифатида. Тилнинг функциялари. Белги тушунчаси. Белгиларнинг асосий турлари. Тил ифодаларининг ашёвий мазмуни ва маъноси. Тилни семиотик таҳлил қилишнинг асосий йуналишлари: семантика, прагматика, синтаксис. Табиий ва сунъий тиллар. Тил – объект ва метатил.

Номлаш назариясининг асослари. Тил белгиларининг асосий турлари: гап, предметлар белгилари (номлари), хосса ва муносабатлар белгилари (предикатлар), мантиқий терминлар (боғловчилар, кванторлар, операторлар, эркин ва боғланган ўзгарувчилар). Гап, унинг маъноси ва мазмуни.

Тил белгиларини қўллаш принциплари: бир маънолик, ашёвийлик, ўзаро алмашиш. Алмаштириш парадокслари ва унинг сабаблари. Номларни қўллаш усуллари ва контекстлар турлари.

Тушунча борлиқни акс эттириш шакли сифатида. Тушунчанинг тилда ифода қилиниш шакллари. Терминлар ва тушунчалар. Билишда тушунчаларнинг аҳамияти. Тушунчанинг мантиқий тавсифи. Тушунчанинг мантиқий струкураси ва асосий хусусиятлари. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми, улар ўртасидаги муносабат. Тушунчанинг мантиқий ва фактик мазмуни ва ҳажми. Тушунчанинг тўла мазмуни. Тушунчанинг турлари ва тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. Эйлер доиралари ва Венна диаграммалари тушунчалар ўртасидаги муносабатларни таҳлил килиш

воситалари сифатида. Индивид концептлар тушунча турлари сифатида. Аниқ ва ноаниқ дескрипциялар.

Элементлар ва синфлар. Синфлар (тўпламлар) ва кичик синфлар (кичик тўпламлар). Синф элементлари. Элементларнинг синфга мансублиги ва бир синфнинг иккинчи синфга кириши. Тўпламлар устида амаллар: кўпайтириш, қўшиш, тўлдириш. Буюртмали жуфтликлар. Синфлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш. Бинар муносабатлар хусусиятлари. Эквивалентлик. Боғланиши бўйича амаллар. Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш.

Мантиқда таърифлаш масаласининг қўйилиши. Тушунчаларни таърифлаш (дефиниция). Номинал ва реал таърифлар. Аниқ ва ноаниқ реал таърифлар. Аниқ реал таърифнинг тузилиши ва турлари: атрибутив, генетик, операционал таърифлар. Ноаниқ реал таърифлар: абстракция орқали, контекстуал, индуктив, аксиоматик, рекурсив таърифлар. Идент таърифлаш. Шартли таърифлаш. Таърифлашга ўхшаш усуллар: тасвирлаш, тавсифлаш, кўрсатиш, мисоллар ёрдамида тушунтириш ва бошқалар. Таърифлаш мезонлари. Таърифлаш қоидалари. Таърифлашда учрайдиган мантиқий хатолар. Таърифлашнинг фан ва амалий муҳокама юритишдаги аҳамияти. Таърифлашга нисбатан қўйиладиган услубий талаблар.

Тушунчаларни бўлиш. Бўлишнинг тузилиши: бўлинувчи тушунча, бўлиш асоси, бўлиш аъзолари. Бўлишнинг турлари: белгининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда бўлиш ва дихотомик бўлиш. Оддий ва босқичли бўлиш. Нолга бўлиш масаласи ва унга ёндашиш усуллари.

Таснифлаш (классификация). Бўлиш қоидалари ва бўлишда учрайдиган мантиқий хатолар. Бўлиш ва туркумлашнинг фан ва амалиётдаги аҳамияти.

Мулоҳазанинг умумий мантиқий тавсифи ва билишдаги роли. Мулоҳаза ва гап. Оддий ва мураккаб мулоҳазалар. Оддий мулоҳазаларнинг мантиқий структураси (таркиби, турлари). Оддий мулоҳазаларда терминлар ҳажми. Оддий мулоҳазалар ўртасидаги муносабатлар. Мантиқий квадрат.

Мураккаб мулоҳазалар ва уларнинг чин бўлиш шартлари.

Сентенциал алоқалар. Мулоҳазаларнинг инкор қилиниши. Дизъюнкция ва конъюнкция. Шартли ва эквивалент мулоҳазалар. Чинлик жадваллари ва тавтологиялар.

Модаллик тушунчаси. Модаллик турлари ва модал мулоҳазалар. Аналитик ва синтетик мулоҳазалар.

Хулоса чиқариш тафаккур шакли сифатида**.** Хулоса чиқаришнинг тузилиши: асослар, хулоса, хулосалаш(асослар ва хулоса ўртасидаги мантиқий алоқа). Мантиқан келиб чиқиш тушунчаси. Мантиқан зарурий ва эҳтимолий (тўғрига ўхшаш) хулоса чиқаришлар. Хулоса чиқариш турлари: дедуктив хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш, аналогия.

А.*Дедуктив хулоса чиқариш*нинг умумий тавсифи. Табиий тилда дедуктив хулоса чиқариш. Қатъий ҳукмлардан хулоса чиқариш. Бевосита хулоса чиқариш, унинг турлари. Оддий қатъий силлогизм, унинг структураси, аксиомаси, умумий қоидалари. Силлогизм фигуралари ва модуслари. Энтимема. Эпихейрема. Полисиллогизм, унинг турлари.

Соритлар. Мураккаб ҳукмларга асосланган силлогистик хулоса чиқариш, унинг турлари. Қатъий ҳукмлардан носиллогистик хулоса чиқариш. Силлогистик хулоса чиқаришни аксиомалаштириш.

Б.*Мулоҳазалар мантиғи ҳақида умумий тушунча***.**

Мулоҳазалар мантиғи тушунчаси. Асосий мантиқий боғламаларни жадвал ёрдамида аниқлаш. Мантиқий амалларнинг бирини иккинчиси орқали ифодалаш. Боғламалар системасининг функционал тўлалиги ҳақида тушунча. Бажариладиган, айнан чин ва айнан хато формулаларнинг мантиқан келиб чиқиш муносабати ва унинг импликация билан алоқаси. Эквивалентлик (тенг кучлилик) муносабати ва унинг эквивалентлик амали билан алоқаси

В.*Предикатлар мантиғи ҳақида умумий тушунча*.

Предикатлар мантиғи тушунчаси. Предикатлар мантиғи тили: алфавит, тушунчалар, теоремалар, формулалар. Умумийлик ва мавжудлик кванторларининг конъюнкция ва дизъюнкция билан алоқаси. Эркин ва боғланган ўзгарувчилар. Эркин ўзгарувчиларнинг турли хил талқини. Предмет соҳаси, талқин этувчи функция қийматини предмет ўзгарувчига ағдариш (қўшиб қўйиш) функцияси. Формулаларнинг бажарилиши ва умумий қийматга эгалиги.

Г. *Индуктив хулоса чиқариш*

Индуктив хулоса чиқаришнинг умумий тавсифи. Индуктив хулоса чиқаришнинг тўлиқ ва тўлиқсиз индукция типлари. Индуктив йўл билан умумлаштиришнинг эҳтимолий характери. Тўлиқ ва тўлиқсиз индукция. Илмий индукция. Сабабий алоқадорлик, унинг асосий хусусиятлари. Илмий индукцияда хулоса чиқаришнинг элиминатив (ҳолларни танлаб олиш) тарзда амалга оширилиши. Илмий индукция методлари Индукция ва дедукциянинг билиш усуллари сифатидаги аҳамияти ва ўзаро алоқаси. Статистик хулоса чиқариш. Математик индукция тушунчаси.

Д. *Аналогия*

Аналогиянинг тузилиши ва турлари. Аналогияда хулосанинг эҳтимоллик даражасини ошириш шартлари.

Аналогия билиш методи сифатида. Аналогия бўйича хулоса чиқариш-моделлаштириш методининг мантиқий асоси. Изморфизм тушунчаси. Моделларнинг турлари. Аналогиянинг эвристик функциялари.

Аргументлаш ҳақида умумий мулоҳазалар. Аргументлаш ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши. Ишонч-эътиқоднинг типлари. Аргументлаш турлари. Исботлаш тушунчаси. Исботлашнинг тузилиши: тезис, асослар (аргументлар), демонстрация (исботлаш усули) Исботлаш турлари: бевосита исботлаш ва билвосита исботлаш. Рад этиш, унинг турлари. Исботлаш ва рад этиш қоидалари, уларни бузганда келиб чиқадиган мантиқий хатолар. Паралогизм ва софизмлар. Мантиқий парадокс. Баҳс юритиш ва дискуссия аргументлаш турлари сифатида. Баҳс юритишнинг мақсади ва қоидалари. Илмий баҳслар, уларнинг эпистемик-эвристик ва ижтимоий-педагогикаҳамияти. Баҳсдаги тузоқлар, уларни нейтраллаштириш усуллари. Баҳсни рационаллаштириш: баҳснинг стратегияси ва тактикаси.

Тафаккурнинг шаклланиши. Мифдан Логосга ўтишнинг моҳияти. Тафаккурнинг мазмуни ва шакли бирлиги. «Тафаккур структураси» ва «тафаккур тараққиёти» тушунчалари. Тафаккур тараққий этиб борувчи билиш ҳодисаси сифатида. Билиш тараққиёти давомида тафаккур структурасининг ўзгариб бориши. Тафаккур мантиқий шаклларининг нисбий турғунлиги ва ўзгарувчанлиги, априорлиги ва апостериорлиги.Илмий тафаккур, унинг асосий хусусиятлари ва тараққиёти: мантиқий таҳлил.

Қадимги давр фалсафасида диалектиканинг ҳақиқатни билиш методи сифатида шаклланиши. Аристотель "Топика"сида диалектиканинг эҳтимолий билимларини ўрганишнинг мантиқий усули сифатида асосланиши.

Янги давр илму фанининг ривожланиши. Экспериментал фанлар ва илмий-назарий билимларнинг шаклланиши, уларнинг диалетик метод тўғрисидаги тасаввурлар ривожига кўрсатган таъсири. Янги давр фалсафасида Аристотель мантиғини такомиллаштиришга бўлган уринишлар. Гегелнинг диалектикани мантиқ сифатида асослаши, унга бўлган муносабатлар. Диалектик мантиқ тўғрисидаги замонавий тасаввурлар.

Зиддият принципи. Аниқлик принципи. Предметни объектив тарзда ўрганиш принципи. Диалектик методнинг муҳим талаби. Детерминизим принципининг мантиқий усул сифатидаги моҳияти. Системали-структуравий ва информацион-кибернетик ёндашувларнинг мантиқий мазмун-моҳияти. Абстрактликдан конкретликка кўтарилиш, тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги прициплари. Диалектика ва синергетика принциплари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда илмий билиш ва амалий фаолиятдаги аҳамияти.

Категориялар(назарий тушунчалар) тафаккур шакллари сифатида. Категориал синтез тушунчаси. Тафаккурнинг категориал струкрураси, унинг билиш тараққиёти давомида ўзгариб бориши. Ҳозирги фан категориялари: фалсафий, хусусий-илмий, умумилмий ва фанлараро категориялар, уларнинг ўзига хослиги ва ўзаро алоқадорлиги. Илмий терминлар, уларнинг тафаккур структурасида тутган ўрни. Ғоянинг тафаккур шакли сифатида билимлар тараққиётида тутган ўрни. Миллий ғоянинг мантиқий структураси. Гипотеза назарий билимлар мавжудлиги ва тараққиётининг мантиқий шакли сифатида. Умумий ва жузъий, тасвирловчи ва тушунтирувчи гипотезалар. Ишчи гипотеза тушунчаси. Гипотезани қуришда анализ, синтез, умумлаштириш ва идеаллаштиришнинг аҳамияти.

Назария билимларнинг мантиқий шакли сифатида. Илмий назариянинг мақсади ва вазифалари: мантиқий тахлил. Илмий назариянинг мантиқий структураси. Илмий назариянинг бошланғич асоси (бошланғич тушунчалари), ғояси, натижаси. Илмий назариянинг эмпирик асоси ва формализми. Илмий назарияни қуриш ва асослаш. Илмий назария турлари: дедуктив-аксиоматик(ярим аксиоматик) ва аксиоматик назариялар. Формал системалар. Илмий назарияни такомиллаштириш ва ривожлантириш: мавжуд тушунчалар мазмунини аниқлаштириш, янги тушунчалар киритиш, гипотеза ва ғояларни қайта кўриб чиқиш ва ҳоказо.

Назариянинг билимларни ҳосил қилиш, системага солиш ва ривожлантиришдаги аҳамияти.

Ҳақиқат, унинг мантиқий ва гносеологик жиҳатлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ҳақиқатнинг семантик тавсифи. Шарқ фалсафасида ҳақиқат тўғрисидаги масаланинг қўйилиши ва ҳал этилиши. Иккиланган ҳақиқат назариясининг мантиқий таҳлили. Ҳозирги Ғарб фалсафаси ва мантиғида ҳақиқат масаласининг талқин этилиши. Ҳақиқатни ўрнатиш(исботлаш)нинг мантиқий усуллари. Формал ва диалектик исботлаш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги Гегелнинг диалектик исботлаш тўғрисидаги мулоҳазалари. К. Попперннинг синаб кўриш ва хатога йўл қўйиш методининг моҳияти. Диалектик исботлашда тасдиқлаш ва тушунтиришнинг тутган ўрни.

Мантиқ тарихида мутлоқ ишончли билимларнинг қидирилиши. Муаммо билмасликдан билишга, тусмол билимлардан ишончли билимларга ўтишнинг мантиқий воситаси сифатида. Илмий муаммо тушунчаси. Савол-муаммоларни қўйишнинг мантиқий шакли. Саволларнинг турлари. Саволни тўғри қўйиш шартлари. Жавоб ва унинг турлари.

Муаммо шаклланишининг мантиқий асослари. Муаммони ҳал этишнинг мантиқий механизмлари. Назарий муаммо, савол ва масаланинг ўзаро диалектик алоқадорлиги.

Тафаккур тарзи тушунчасининг мантиқий мазмуни. Тафаккур тарзи ва илмий парадигмалар. Тафаккур тарзи ва фундаментал муаммоларнинг ўзаро алоқадорлиги. Тафаккур тарзи ва илмий билишнинг категориал структураси.

Илмий тафаккур тарзи намоён бўлишнинг мантиқий шакллари. Қатъий детерминизмга асосланган тафаккур тарзи (динамик тафаккур тарзи), унинг ўзига хослиги ва амал қилиш соҳалари. Эҳтимолий тафаккур тарзи, унинг ҳозирги илмий билишда қўлланилиши. Диалектик метод ва илмий тафаккур тарзи, уларнинг ўзаро алоқадорлиги.

*Қадимги Юнонистонда дастлабки фалсафий таълимотлар ва рационаллик генезиси.* Борлиқ ҳақидаги тасаввурлар. Геометрик исботлашлар. Диалектик асослаш ва метафизик аргументлар. Сократ ва софистларда рационал муҳокама юритиш. Майевтика. Горгий, Протагорнинг “баҳслашиш санъати”. Эристика ва софистика. Платон ва мантиқ фалсафаси.Платоннинг тушунча ҳақидаги таълимоти. Платон фалсафасида ҳақиқат тушунчаси.

*Аристотел мантиқ илмининг ва дедуктив зиддиятсиз, аксиоматик қурилган мантиқий системанинг асосчиси.* Аристотелнинг Органони. Силлогизм назарияси. Аристотелнинг модал мантиғи. “Аналитика”ларда носиллогистик мантиқ. Аристотелнинг мактаби.

*Аристотелдан кейинги даврда мантиқ илми.* Мегар ва стоиклар фалсафаси Теофраст ва Эвдем Родосский томонидан шартли, айирувчи ва бирлаштирувчи асосли силлогизм назариясининг ривожлантирилиши. Стоиклар таълимотида мантиқ масалалари: ҳукм, тушунча, хулоса чиқариш ва модалликлар. Александр Афродисийский томонидан Аристотел асарларининг шарҳланиши. Порфирийнинг Аристотел “Карегория”ларига ёзган шарҳи.

Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ўрганилиши ва тарқалишига таъсир кўрсатган омиллар. Аббосийлар

сулоласи даврида мантиқий тадқиқотлар. Мутазилитлар таълимотининг ғоявий асослари, рационалистик моҳияти. Рационализм ва иррационализм. Калом фалсафаси. “Соф биродарлар”нинг билиш назарияси.

Ал-Киндийнинг мантиқий таълимоти**.** Форобийнинг мантиқ концепцияси ва мантиққа оид асарлари. Форобий хулоса чиқариш учун асос бўлувчи билимлар тўғрисида.Силлогизмнинг таркиби, фигуралари ва модуслари.Исботлаш, унинг турлари.Исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар. Абу Абдуллох ал-Хоразмий (X аср)нинг «Мафотих ал-улум асарида» илмлар таснифи ва унда мантиқ илмининг ўрни. Хоразмий асарида мантиқ масалаларининг баён қилиниши.Тушунча ва сўз. Якка, индивид тушунчаси. Хукм ва хулоса чиқариш тўғрисида. Ибн Синонинг мантиқий таълимоти. Ибн Сино силлогизмнинг тузилиши, фигуралари ва модуслари хақида. Индукция ва аналогия.Исботлаш тўғрисидаги таълимоти. Исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар.

Бахманёрнинг фалсафий - мантиқий асарлари. Зиддиятсизлик қонунининг метафизик ва илоҳий талқини. Тушунча, турлари, таърифлаш усуллари. Якка ва умумий тушунчалар. Хукм ва хулоса чиқариш. Абу Хомид Ғаззолий мантиқ илми ҳақида.

Ибн Рушднинг мантиқий қарашлари. Ибн Рушднинг “Раддияга раддия” асарида мантиқ масалалари. Ибн Сино ва Ибн Рушд мантиқий таълимотларининг Европа фалсафаси ва мантиғига таъсири. Фахриддин Розийнинг мантиқий таълимоти. Насриддин Тусийнинг мантиқий таълимоти. Исботлаш ва исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар. Саъдуддин Маъсуд Тафтазонийнинг мантиқий қарашлари. Миршариф Журжонийнинг мантиқий қарашлари.

## АҲЛОҚ ФАЛСАФАСИ фани бўйича

Ахлоқ фалсафасининг фан сифатида шаклланиши ва унинг тарихий аҳамияти. Ахлоқий тушунчалар ва хиссиётнинг келиб чиқиш манбалари.назарий-методологик хусусиятлари ва гносеологик илдизлари. Обрўпарварлик ахлоқининг салбий жиҳатлари. Инсонпарварлик ахлоқининг демократик асослари.Ахлоқий тараққиёт белгилари. Ахлоқнинг асосий функциялари ва хусусиятлари.

Ахлоқ фалсафасида эркинлик тушунчаси ва унда нисбийлик, чекланганлик ва чекланмаганлик муаммоси. Ихтиёр эркинлигининг фалсафий моҳияти. Ихтиёр эркинлиги намоёнлашувида ихтиёрнинг уч босқичи. Ахлоқий танловнинг қадриятлар билан боғлиқ хусусиятлари. Унинг идеал ва меъёрлар билан чекланиш омиллари. Техник давр, ундаги жамият тараққиётида ахлоқий равнақ муаммоси.

Ахлоқий англаш ва ахлоқий ҳиссиёт муаммоси. Инсон ахлоқий ҳаётида ахлоқий фаолиятнинг уч омил-асоси ва унинг ижтимоий тараққиётдаги хал қилувчи мавқеи. Ахлоқ фалсафасида қатъий амрлилик, меъёрийлик ва баҳолаш хусусиятларининг фалсафий моҳияти ва шахс ахлоқий камолотидаги аҳамияти. Ахлоқнинг тарбиявий вазифаси. Ахлоқнинг инсонни қадриятларга йўналтириш вазифаси ҳамда унинг анъанавий ва

замонавий қадриятлар уйғунлигини таъминлашдаги аҳамияти. Ахлоқнинг ижтимоий алоқачилик вазифаси ва ижтимоий муносабатлар. Ахлоқнинг ахлоқий билим бериш ва инсонийлаштиришнинг бошқа вазифалар билан узвий алоқаси. Маънавият ва ахлоқ.

Ахлоқий тамойилларнинг ахлоқий англаш шакллари сифатидаги хусусиятлари. Инсонпарварлик тамойилининг ахлоқий тушунчалар, тамойиллар ва меъёрлар билан узвий алоқадорлик жиҳатлари. Техник тараққиёт даврида инсонпарварлик ва эркпарварликнинг долзарб масалалари. Ватанпарпарварлик тамойилининг ҳудуд ва халққа бўлган муҳаббат билан боғлиқ ҳиссий омиллари. Миллатпарварлик ва миллий ғоя. Фидойилик, зиёлилик, меҳнатсеварлик ва тинчликпарварликнинг жамият ижтимоий-маънавий тараққиётидаги аҳамияти. Жўмардлик, ўзбекчилик ва меҳмондўстликнинг миллий-ахлоқий хусусиятлари.

Инсоннинг ботиний ахлоқи: виждон, изтироб, нафрат, ҳасад. Инсоннинг зоҳирий ахлоқи: қонун, ахлоқий меъёрлар. Ботиний ва зоҳирий ахлоқийлик ва ғайриахлоқийлик ўртасидаги зиддият. Ҳаёлиликнинг уят, ор ва номусдан фарқли жиҳатлари. Инсонни ахлоқийликка ёки ғайриахлоқийликка ундовчи омиллар –ҳалоллик, шухратпарастлик ва ростгўйлик муаммоси. Миллий ахлоқий фазилатларнинг узвийлик хусусиятлари – камтаринлик, босиқлик, ширинсуханлик. Санъатда ахлоқийлик ва ғайриахлоқий алоқадорлиги. Санъатнинг ахлоқий нормалар устидан назорати.

Оиланинг ахлоқий асослари. Никоҳда диний, ҳуқуқий, ахлоқий асосларнинг ўзаро мутаносиблиги ва фарқли жиҳатлари. Оиланинг ахлоқий воқелик сифатидаги хусусиятлари. Ундаги ахлоқий муносабат муаммолари. Ёш авлод тарбиясида оилавий муҳит муаммоси ва оила тарқалиши турлари. Оиланинг табиий тарқалишини олдини олишда ўз-ўзини асраш интинктининг ва тиббий маданиятнинг ўрни. Никоҳни бекор қилинишида оила тарқалишининг иқтисодий, ҳуқуқий, руҳий омиллари. Оиланинг ахлоқий тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари.

Ахлоқ фалсафасининг аҳамияти ва глобал муаммолари. Ахлоқий муҳит муаммоси. Ахлоқ фалсафасида долзарб муаммолар – техник кашфиётлар даври ва ундаги ахлоқий муҳит. Биологик ахлоқ ва унинг тиббий-руҳий асослари. Ўлим жазосининг салбий омиллари Ер юзида ахлоқий муҳит – этосферани вужудга келтиришда ахлоқ фалсафасининг ўрни; биоэтика – биоахлоқ ва унинг янгича талқини. Тиббиёт этикаси. Психология этикаси. Метаэтика. Тил таҳлили ва ахлоқий-эстетик назариялар тизими. “эзгу”, “ёвуз”, “тўғри”, “нотўғри” тушунчаларининг замонавий ахлоқий моҳияти. Ахлоқ ва нафосат фалсафасида мантиқий парадигмалар алмашинуви.

